

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Нуробод тумани
**НОКИМИ
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

141100, Нурабад шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2-уй,
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2017 йил «2» июль
2017 манзилли дастур асосида қурилиши
режалаштирилган савдо дукони биносини
қуриш учун ер майдони танлаб ажратиш
тўғрисида

№ 582-У

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси, “Ер кодекси”нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 24 августдаги “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ билан келишилган №1141/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 15 майдаги №1179-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Шайкулов Жаббор томонидан Нурабад тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.006 гектар ер майдонига савдо дукони биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 24 майдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Шайкулов Жабборга Нурабад тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.006 гектар ер майдонига савдо дукони биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 24 майдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Шайкулов Жабборга куйидаги вазифалар юклатилсин:
-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ
(архитектура режалаштириш топшириги) ҳамда лойиҳа хужжатларини тайёрлаш,
-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат
инспекциясидан қурилишни амалга оширишга ружеат олиб, қурилиш ишларини уч
йил муддат ичида тугатиш;
-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик
ишларини олиб бориш;
-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш;
-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга ружеат бериш учун
туман ҳокимлигига мурожаат қилиш;

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га Шайкулов Жаббор томонидан
тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини
назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг
вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва
қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман "Ер ресурслари ва давлат кадастри"
бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Шайкулов Жаббор томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш
лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини
йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг
ўринбосари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин

Туман ҳокими



Ф. Заиров